

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎРТА ОСИЁ ВАҚФНОМАЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Якубов Қахрамон Каримджанович,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институтида илмий ходими, PhD

For citation: Kahramon K. Yakubov. Features of the source criticism of central asian waqf documents: a comparative analysis. 2019, vol. 1, issue 13, pp.42-49.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-05>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Қўқон ва Хива хонликлари вақфномалари ички тузилишининг қиёсий таҳлиliga бағишланади. Жумладан, Қўқон хонлигида тузилган қорихона вақфномаси тадқиқот объекти сифатида белгилангани ҳолда асосий эътибор икки тарихий ҳудуд ҳужжатшунослигининг умумий ва ўзига хос жиҳатларининг тадқиқотига қаратилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, вақфнома, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги, қорихона, вақф, формуляр.

ОСОБЕННОСТИ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ВАКУФНЫХ ДОКУМЕНТОВ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

Якубов Кахрамон Каримджанович,
Академия наук Республики Узбекистан
Старший научный сотрудник Института истории, PhD

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена сравнительному анализу внутренней структуры вакуфных документов Кокандского и Хивинского ханств. В частности, определив вакуфный документ карихане (помещение для обучения заучиванию Корана наизусть) Кокандского ханства как объект исследования, основное внимание уделено изучению общих и особенностей дипломатики в двух исторических регионах.

Ключевые слова: Средняя Азия, вакуфнаме, Хивинское ханство, Кокандское ханство, карихане, вакуф, формуляр.

FEATURES OF THE SOURCE CRITICISM OF CENTRAL ASIAN WAQF DOCUMENTS: A COMPARATIVE ANALYSIS

Kahramon K.Yakubov,

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Senior Researcher, Institute of History, PhD

ANNOTATION

The article is devoted to a comparative analysis of the internal structure of documents of the Kokand and Khiva khanates. In particular, by defining the waqf document of a qarikhana (a room for learning to memorize the Koran) of the Kokand Khanate as an object of research, the main attention is paid to the study of the general and peculiarities of diplomatics in two historical regions.

Key words: Central Asia, waqfnama, the khanate of Khiva, the khanate of Bukhara, qarikhana, waqf, form.

Ўрта Осиё вақф мулкчилиги тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилувчи вақфномалар тарих фанининг ёрдамчи соҳаси ҳисобланган дипломатикага оид тадқиқотлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, дипломатиканинг асосий вазифаларидан бири тарихий ҳужжатларнинг ташқи белгиларини ўрганиш билан бирга, унинг ички, хусусан матн тузилишини тадқиқ этиш ҳисобланади. Умуман олганда, тарихий ҳужжат муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда қимматли манба вазифасини бажариши мумкин. Бироқ, улардаги маълумотни илмий истеъмолга киритиш жараёнида ҳужжатларнинг асл ва оригиналлик даражасини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади [12]. Шунингдек, тўлиқ ҳолда сақланмаган ҳужжатларни қайта тиклаш-

да, муайян ҳудудга тегишлилигини аниқлашда ҳар бир минтақанинг ўзига хос ҳужжатшунослик анъанасини илмий хулосалар асосида ишлаб чиқиш лозимдир. Шу боис, мазкур йўналиш дипломатикага оид тадқиқотларнинг долзарб мавзуси ҳисобланади.

Вақфномалар юридик ҳужжат ҳисобланиб, ўзида муайян шахс(лар)га тегишли хусусий мулкнинг вақф(мулки)га айланиш жараёнини ва ушбу вақф мулкидан келадиган даромаднинг ўзи йўналтирилган объект, яъни диний-маданий муассасалар ҳамда ижтимоий ва хайрий тадбирларни моддий таъминлаш тартибини акс эттиради. Одатда қозилик ҳужжатлари туркумига кирувчи мазкур ёзма манбаларнинг ички таркибий қисми, унинг матнидан ўрин олган айрим махсус сўз ва иборалар асрлар давомида ўзгариб борди. Ўз навбатида, вақфномалар одатда қозихоналарда котиблар томонидан битилган бўлиб, уларни тузиш жараёнида қўлланма, яъни турли ҳужжатлардан намуналарни ўзида жамлаган махсус мажмуъалардан фойдаланилган [2]. Бироқ, узоқ вақт давомида муайян ҳужжат тури учун асос бўлиб хизмат қилган намуна матн ҳам ўзгариб борган, ундаги баъзисўз ва иборалар тушириб қолдирилган ёки унга айрим қўшимчалар киритилган [1].

Ҳозирга қадар Ўрта Осиё тарихий ҳужжатларининг баъзилари манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилган, айримлари эса асосан ижтимоий тарих, иқтисодий жараёнлар ва аграр муносабатлар тизими доирасида тадқиқ этилган. Бироқ, минтақа вақфномаларининг муайян тарихий ҳудудлар мисолидаги ўзаро қиёсий таҳлили ҳанузгача амалга оширилмаган. Мазкур мақола доирасида Фарғона вилоятида жойлашган қорихонага тегишли вақфноманинг ички манбашунослик таҳлили Хива хонлигида тузилган вақф ҳужжатлари билан ўзаро солиштириш асосида тадқиқ этилади.

Қўқон хонлигига оид мазкур вақфномада келган маълумотга кўра қорихона тахминан XIX аср охирларида Марғилон ҳудуди таркибида бўлган Шоҳон маҳалласида Қози Эшон Домулло Поччажон Хўжа томонидан барпо этилган [5]. Ушбу қорихона биноси бир неча қисм: масжид, 4 та ҳужра ва дарвозахонадан иборат меъморий мажмуа ҳолида қурилган.

Вақфнома ўрамли қоғоз шаклида бўлиб, ундан иккита ҳужжат ўрин олган. Ушбу вақф ҳужжатлари форс тилида тузилган. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, Қўқон хонлигига оид нашр этилган тарихий ҳужжатлар таҳлиliga кўра, хонликда қозилик ҳужжатлари Россия империяси томонидан ўлка босиб олингунгача даврда

асосан форс-тожик тилида бўлган, кейинчалик эса туркий (чиғатой) тилда тузиш анъанасига ҳам ўтилганини кузатиш мумкин. Ўз навбатида, Хива хонлигига оид тарихий ҳужжатлар (хон ёрлиқларидан ташқари) 1856-1857 йилларга қадар форс-тожик тилида расмийлаштирилган бўлиб, айти мазкур даврдан бошлаб барча турдаги ҳужжатларда туркий тилнинг яққол устунлиги намоён бўла бошлаган.

Биринчи ҳужжатда вақфнома формуляри анъанага кўра 3 та таркибий қисмдан ташкил топган бўлиб, у “Бисмиллоҳ” билан бошланган. Хива хонлигига оид айрим ҳужжатларда ҳам худди шундай ҳолат, яъни вақфнома матнида аввало Аллоҳнинг номи зикр этилган [8].

Ҳужжатнинг бошланғич протокол (ифтитоҳ) қисмида дастлаб Аллоҳга ҳамду сано, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳамда уларнинг оилалари, хулафои рошидунлар ва саҳобаларга саловатлар айтилган. Шундан сўнг, матн формулярининг асосий қисми вақф қилишнинг аҳамияти ва вақф таъсис этишдан мақсадни ифода этувчи ҳадисдан намуна келтириш билан бошланган: “инсон вафот этгач, уч нарсадан бошқа унинг барча амаллари тўхтайтиди: фойдали илм, садақаи жория ва яхшилик билан унинг (вафот этган инсон) номига дуо қилувчи солиҳ фарзанд” [10]. Мазкур ҳадис, машҳур саҳоба Абу Ҳурайра (599-676) (р.а.) томонидан ривоят қилинган бўлиб, “садақаи жория”, яъни “жорий садақа”, “давомли садақа” асосан вақф моҳиятини ўзида акс эттирган. Ўз навбатида, Хива хонлигида тузилган вақфномаларда ҳам мазкур ҳадисдан фойдаланиш анъанасига тез-тез риоя қилинган [6].

Кейинги ўринда вақф қилувчи шахс тўлиқ исми – қози эшон домулло Поччажон Хўжа валади эшон домулло Ҳасанхўжа қози калон тарзида келтирилган бўлиб, воқифнинг ўзига тегишли энг афзал мулкани (аз холис амвол ва атиби амлок) вақф қилгани ҳақидаги иқрори қайд этилган. Поччажон Хўжа вақфга айлантирган мулклари қаторида дастлаб Марғилон тумани [11] Кафон Навмавзеида жойлашган 5 та дўкон зикр этилган. Бироқ ушбу дўконларнинг чегараси қайд қилинмаган бўлиб, вақф мулки йўналтирилган объект, яъни қорихонанинг мазкур воқиф томонидан қурилгани, жойлашган жойи, тўрт томондан чегараси ва меъморий мажмуа композицияси ҳақидаги маълумотлар берилган.

Воқиф қози Поччажон Хўжа дўконлардан ташқари бошқа турдаги кўчар ва кўчмас мулкларни ҳам вақф сифатида қорихона учун таъсис этган. Хусусан, вақф дўконлари каби Шоҳон мавзеи-

да жойлашган болахонали уй ва Волик мавзеида жойлашган деҳқончилик ер майдони вақф қилинган. Бундан ташқари, катта сандиқ ва кичик қути қорихона фойдаси учун вақфга айлангани алоҳида қайд қилинган.

Дўконларнинг тўрт томондан чегараси матннинг қуйироқ қисмида келтирилиши вақфномада алоҳида таъкидланган бўлиб, уй-жой-ва зироат майдонининг ҳудудлари ҳам навбатма-навбат берилган. Ваҳоланки, Хоразмда тузилган вақфномаларда мулклар вақф қилинаётган муайян муассаса ва у ҳақидаги маълумотлар кўпинча воқиф иқроридан аввалги ўринда келтирилган. Бундан ташқари, вақф мулкнинг чегаралари ҳам алоҳида, кейинги ўринда қайд этилмасдан, балки унинг тўлиқ тавсифи матнда бир йўла акс этган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, совет шарқшунос олими Ольга Чехович фикрича, Қўқон хонлигига оид тарихий ҳужжатлар одатда мулкнинг тўрт томондан чегарасининг баёни билан бошланган. Худди шундай ҳолат XVII асрда тузилган айрим Бухоро актлари мисолида ҳам кузатилган [13]. Демак, ушбу қорихона вақфномасини инобатга олган ҳолда Қўқон хонлиги вақфномаларида кўчмас мулклар чегараси ҳақидаги тавсиф нафақат матн бошида, балки ҳужжат охирида ҳам келиши мумкинлигини англаш мумкин.

Эътиборга молик яна бир жиҳат — бу вақф мулки жойлашган ҳудуд тўрт томондан чегарасининг XVIII-XX асрлар вақфномалари матнида қайд этиш тартиби билан боғлиқ. Қўқон хонлиги бошқа вақфномалари ва умуман қозилик ҳужжатларида бўлгани каби мазкур қорихона вақф мулкларининг чегараси ғарбдан бошланган [3]. Ана шундай тартиб Бухоро хонлигида ҳам амал қилганини эътироф этиш лозим [4]. Бироқ Хива тарихий ҳужжатлари, жумладан, вақфномаларида вақфга айланган объект чегараси одатда шарқий томондан тавсиф этилган [7]. Бу эса Хоразмда тузилган қозилик ҳужжатлари, хусусан вақфномаларда ҳам кўчмас мулк ҳудуди масаласида ўзига хос тартибга таянилганини намоён қилади.

Мазкур вақфномада вақф ерларининг ўлчами, вақф мулкларидан фойдаланиш ва даромад олиш тартиби қайд қилинмаган. Хива вақфномаларида вақф мулкларидан фойдаланиш асослари баъзан ушбу ҳужжатдаги каби келтирилмаган бўлса-да, бироқ вақф ерининг ўлчами ҳақида батафсил маълумотлар баён этилган. Қорихона вақфномасида вақф мулкларининг муайян шахсга 3 йилдан ортиқ муддатга битта ёки бир неча ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ижарага берилиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган. Ушбу масалага фикршуносликда алоҳида эътибор қаратил-

ган бўлиб, вақф мулклари, хусусан зироат ерларини 3 йилдан ортиқ бўлган муддатга ижарага бериш тақиқланади [14]. Чунки вақф мулкининг ижарачи қўлида узоқ давр мобайнида сақланиши унинг ўзлаштириб олиниш хавфини юзага келтиради.

Даромадлар тақсимоти эса воқиф ўрнатган шарт асосида ҳужжатда аниқ акс этган. Жумладан, вақф даромадининг 1/10 қисми аввало мутавалли иш ҳақи (тавлият) учун сарфланиши кераклиги шарт қилинган. Қолган маблағ 2 қисмга бўлиниб, биринчи қисми қорихона қорибошисига ва иккинчиси эса муассаса қориларига 3 та даража — аъло, авсат ва адно тарзида тақсимланиши ҳақида кўрсатма берилган. Қорихона ходимларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам алоҳида белгиланган. Хусусан, қорибоши асосий вақтини қорихонада Қуръон тиловати билан машғул ҳолда ўтказиши ва истиқомат қилиши, қолган қорилар эса Қуръон таълими ва тиловати билан банд бўлишлари лозимлиги шарт сифатида ўрнатилган. Ҳосил бўлган тиловат савоби аввало пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.), ўтган пайғамбарлар, чаҳорёрлар, қози Поччажон Хўжанинг аждоди ва у вафот этгач, воқифнинг ҳам руҳига бағишланиши кераклигига зикр этилган. Ана шундай тартиб ва шартлар Хива хонлиги қорихоналари вақфномалари учун ҳам умумий шартлардан бўлиб, одатда ўқилиши лозим бўлган сураларга ҳам аниқлик киритилган [9].

Қози Поччажон Хўжа вақф мулклари бошқарувига масъул бўлган мутавалли лавозимига Мулло Аҳмадхон қори валади Мулло Бузуркхон қорини тайинлаган. Воқиф шартига мувофиқ мутавалли бир вақтнинг ўзида ушбу муассаса бош қориси ҳам ҳисобланган. Вақфнома формулярининг сўнгги протокол (эсхатакол) қисмида қози Поччажон Хўжа вақфга айланган мулкни ўз ихтиёридан чиқариб мутаваллига топширгани ҳамда вақф тўғри тuzилганлиги тасдиқланган. Ушбу махсус ҳуқуқий иборадан сўнггина юқорида зикр этилган мулклар чегаралари келтирилган ҳамда ҳужжатнинг ҳошия қисмига ва матнидан кейин 14 та муҳр босилган. Бироқ матннинг сўнгги протокол қисмидан яқунловчи қоида, яъни ушбу ҳуқуқий хатти-ҳаракат гувоҳлар иштирокида амалга ошганини англатувчи махсус иборалардан фойдаланилмаган. Мазкур ҳолат, яъни гувоҳлар исмларининг вақфномада алоҳида акс этмагани ва фақатгина турли шахсларга тегишли муҳрлар билан кифояланганини нафақат ушбу муҳр эгаларининг тасдиғи, балки мазкур шахслар айримларининг ушбу жараёндаги бевосита иштирокини амалда англатганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Вақфнома ўрамидан ўрин олган иккинчи ҳужжат жуда қисқа

шаклдатузилган. Ушбу ҳужжат 1304 йилнинг жумоди ал-соний / 1887 йилнинг феврал-март ойида расмийлаштирилган бўлиб, унда воқиф қози Поччажон Хўжа томонидан ўзига тегишли, Марғилоннинг Файзобод мавзеида жойлашган деҳқончилик ерини мазкур қорихона учун вақф қилгани акс этган. Кейинги ўринда вақф мулкининг чегараси, вақф таъсис этишдан мақсад ва вақф мулкининг шартлариқайд этилган. Вақфнинг шартлари олдинги ҳужжатда акс этган тартиб бўйича амал қилиши алоҳида таъкидланган. Иккинчи ҳужжат жами 24 та муҳр билан тасдиқланган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, Ўрта Осиёвақфнома-лариички тузилишидаузоқ тарихий давр мобайнида трансформация жараёнлари рўй берди. Шунингдек, минтақа турли ҳудудларига тегишли вақф ҳужжатлари формулярининг таркибий қисмида ҳам умумий ва ўзига хос тартиб амал қилди. Ўз навбатида, вақфномалар қатори бошқа турдаги қозилик ҳужжатларининг келгусидагиқиёсий таҳлили ҳамда мазкур масаладаги қўлёзма асарлар тадқиқоти мазкур ўзгаришнинг сабаб ва омилларини аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Isogai K. A Commentary on the Closing Formula Found in the Central Asian Waqf Documents. Persian Documents. Social history of Iran and Turan in the fifteenth to nineteenth centuries. Edited by Kondo Nobuaki. – London and New York. – P. 3-12.

2. Watayiq-i Mutafarriqa (وثايق متفرقه). Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қўлёзма. № 6057/1 (Watayiq-i Mutafarriqa. Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan, Ms 6057/1); Majmutayi Watayiq (مجموعه وثايق). ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. № 8072 (Majmutayi Watayiq. Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan, Ms8072); Watayiq (وثايق). ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. № 4594/II (Watayiq. Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan, Ms 4594/II) ва бошқалар.

3. Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. With the assistance of M. Ismoilov and H. Aminov. – Samarqand, 2012. Ҳужжат № 667.

4. Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. With the assistance of M. Ismoilov and H. Aminov. – Samarqand, 2012. Ҳужжат № 2, 3, 5, 6 ва бошқалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, И–19-фонд, 1-рўйхат, 34707-йифмажилд (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, f. I-19, l. 1, file no. 34707).

6. ЎзР МДА, И–323-фонд, 1-рўйхат, 1024- ва 26-йифмажилдлар (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, f. I-323, l. 1, file nos. 1024, 26 and others); «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий музей қўриқхонаси, ГХМЗ КП 1345 ва бошқалар (Khiva State Historical Architectural Reserve-Museum “Ichan-Kala”, GKhMZ KP 1345 and others).

7. ЎзР МДА, И–323-фонд, 1-рўйхат, 126, 608, 751-йифмажилдлар (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, f. I-323, l. 1, file nos. 126, 608, 751 and others).

8. ЎзР МДА, И–323-фонд, 1-рўйхат, 126-йифмажилд [Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, f. I-323, l. 1, file no. 126]; «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий музей қўриқхонаси, ГХМЗ КП 1306, 1322, 1338 ва бошқалар (Khiva State Historical Architectural Reserve-Museum “Ichan-Kala”, GKhMZ KP 1306, 1322, 1338 and others).

9. ЎзР МДА, И–323-фонд, 1-рўйхат, 630, 1360, 1354, 1355-йифмажилдлар [Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, f. I-323, l. 1, file nos. 630, 1360, 1354, 1355 and others].

10. Ушбу ҳадис вақфномада форс тилида эмас, балки араб тилида қуйидагича берилган:

إذا مات ابن آدم انقطع عمله الا عن ثلث علم نافع و صدقته جاريتة و ولد صالح يدعو له بالخير

11. Ҳужжат матнида “вилоят” атамаси қўлланилган.

12. Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. № 6, 1969. С. 78 (Chekhovich O.D. Tasks of Central Asian diplomatics, in Peoples of Asia and Africa, 1969, no. 6, p. 78).

13. Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. № 6, 1969. –С. 82 (Chekhovich O.D. Tasks of Central Asian diplomatics, in Peoples of Asia and Africa, 1969, no. 6.–P.82). Батафсил қаранг: Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Ташкент, 1954. –С. 14. (Chekhovich O.D. Documents on the history of agrarian relations in the Bukhara Khanate. –Tashkent, 1954. –P.14).

14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-китоб. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2015. –Б. 197 (Shaykh Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Kifoya. Vol. 3. –Tashkent: Hilol-nashr, 2015. –P.197)].